



Партия ҳаёти

«ЁШЛАР ҚАНОТИ» ТАҚДИМОТИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда сиёсий партиялар "Ёшлар қаноти" ва "Қамолот" ЁИХни фаоллаштириш лойиҳаси асосида 520 дан ортиқ ёшлар иштирокида ўқув-семинар ўтказди. Семинар якунига бағишлаб пойтахтимизда "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти"нинг тақдимоти ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, лойиҳа асосида ўтказилган "Қишки мактаб" иштирокчилари бўлган ёшлар ва партия фаоллари қатнашишди. Тақдимот маросими иштирокчиларни партия ҳаёти билан яқиндан таништирувчи кўргазма намойиши билан бошланди. Маънавий-маърифий тадбирни партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши

"Аёллар қаноти" раиси Холда Очилова олиб борди.

— Фаол, ташаббускор ёшларни қўриб ҳаммамизнинг ҳам ҳавасимиз келади, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов. — Улар мана шундай ўқув-семинарлар давомида сиёсий билимларини ҳам мустаҳкамлаб боришмоқда.

Шундан сўнг таниқли

шоир Рустам Мусурмонга сўз берилди. Шоир йиғилганларга халқона оҳангдаги шеърларидан ўқиб берди. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, партияимиз фаоли Ортиқали Қозоқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Жума Чоршанбиевлар сафдошларимиз томонидан жойларда олиб борилаётган ишлар ва ёш партиядошларимизнинг ташаббускорликлари ҳақида гапиришди.

Иштирокчиларнинг сиёсий билимларини синаб кўриш мақсадида партия ҳаёти билан боғлиқ савол-жавоблар ва лотерея ўйини ташкил қилинди. Ғолибларга эсдалик совғалари берилди.

Ўз мухбиримиз.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни партиянинг вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова олиб борди.

Кун тартибига аъзолик бадалларини йиғишни тартибга солиш, жойлардаги партия аъзоларига янги аъзолик билетларини топшириш, «Миллий тикланиш» газетасига обунани давом эттириш каби масалалар кўйилди. Йиғилишда вилоят кенгашининг ўтган йилги ишлари таҳлил қилинди, жорий йил учун аниқ режалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.



Бу йил Булунғур туманининг "Ғубдин" фермерлар уюшмаси аъзолари 528 гектар сувли, 210 гектар лалми ерларга галла экишган. Шу кунларда бугдойзорларга минерал ўғит берилмоқда. — Галлакорларимиз ҳосил чўғи балинд бўлиши учун парваришга, экинзорларни ўғитлашга катта эътибор қаратишмоқда, — дейди фермер ҳўжаликлари уюшмаси, раиси Мавлон Маматов. СУРАТДА: Мавлон Маматов кишлок оқсоқоли Қодир Холбоев билан. Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Истиқлол берган имконият

УЧҚУДУҚЛИКЛАР ИБРАТИ

Ўтган 2006 йил учқудуқликлар учун чин маънода янгиланиш йили бўлди. Бунинг ижтимоий-иқтисодий асослари бор. Айнан шу йили Учқудуқда маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари намойиши ўтказилди.

Кўргазмада ўзининг озиқ-овқат, қурилиш товлари, мебель каби 10 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан тумандаги сўнгги бир йил мобайнида ишга туширилган, 450 ўринга эга бўлган 22 та хусусий тадбиркорлик объекти иштирок этди. Кўриниб турибдики, бу ерда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилган. Ўтказилган кўргазма ҳам бунга аққол мисол бўла олади.

Ўтган йилнинг ўзида 53 тадбиркор бизнес асослари бўйича ўқитилиб, улардан ортиқ турдаги маҳсулотлар билан тумандаги сўнгги бир йил мобайнида ишга туширилган, 450 ўринга эга бўлган 22 та хусусий тадбиркорлик объекти иштирок этди. Кўриниб турибдики, бу ерда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилган. Ўтказилган кўргазма ҳам бунга аққол мисол бўла олади.

мўлжалланган кўпқаватли уй, 128 ўринли оилавий турар-жой фойдаланишга топширилди, деҳқон бозори, автошоубекат қайта таъмирланди, бутунлай янгилаш кўриниш касб этди. — Буларнинг барчаси жамиятимиз йўналишини ифода этиб, ободлик, янгиланиш ва тараққиёт сари етаклайди, — дейди туман ҳокимилиги ҳузурдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Суннатилла Ортиқов. Чиндан-да, юртимизда амалга оширилаётган ободончилик, бунёдкорлик ишлари тинч-фаровон ҳаёт намунасидир. Учқудуқ туманида қилинган ишлар ҳам фикримизнинг исботидир.

Бахтиёр ТЕМУР, «Миллий тикланиш» мухбири.

Хашар БАҲОРГА ТАРАДДУД

Хадемай баҳор келади. Барча жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилади. Яқинда ЎзМТДП Андижон вилояти Улуғнор туман кенгаши ташаббуси билан умумхалқ хашари ўтказилди. Бу эғзу тадбирда тумандаги барча ташкилот ва муассасалар, ўқув масканлари жамоалари қатнашишди. Шанбалик ўтказилган кун кўчалар, йўллар атрофи, ҳовли-жойлар тартибга келтирилди. Ариқ ва зовурлар тозаланиб, сув йўллари очилди. Таъмир-талаб бўлган жойларга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Х.ТОШПҮЛАТОВА.

Журналистлар қонун лойиҳаларини маъқуллашди

Оммавий ахборот воситалари ҳақида гап кетганида, унинг жамиятдаги ролини тўртинчи ҳокимият, дея эътироф этишади. Бу бежиз эмас. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ана шу нуқтага назардан газета ва журналларнинг, радио ва телевидение кўрсатувларининг таъсирчанлиги ва самардорлигига эришиб келмоқдалар. ОАВларнинг бугунги кунда сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ноижтимоий ташкилотларнинг ролини оширишдаги ҳаракатлари бир мунча фаоллашди.

Яқинда Урганчда Хоразм вилоят ҳокимилиги, Республика Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ҳамкорлигида Президентимизнинг мамлакатимиз Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти ҳақида бир кунлик семинар бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар — демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришилган барча ютуқларимизнинг туб манбаи БШ қонимизда мустаҳкам

ланган ҳуқуқ ва имкониятларини, демократик тамойилларни ҳаётга тўлиқ таъбиқ этиш билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Юртобшимиз ижтимоий ҳимоя ҳар қандай жамиятда миллатнинг маънавий қиёфасини, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва танланган йўлни қандай манзилларга олиб бораганини кўрсатувчи омиб эканлигини ҳам гапирди.

Семинарда маърузада белгилаб берилган устувор вазифаларни аниқлаш ва уни амалга оширишда, барча соҳа кишилари қатори ОАВ ходимларига ҳам бу борада катта масъулият юктаниши таъкидланди. Ўзбекистон Журналистлар ижтимоий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Юсуф Иброҳимов "Республикамиз Президенти Исло

Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасидан келиб чиқиб, ОАВ ходимлари амалга ошириши лозим бўлган вазифалар ҳақида" гапирди. Хоразм телерадиокомпанияси раиси Ботир Султонов телерадиокомпаниянинг бу борадаги истиқболли режалари ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги фикрларини билдирди. "Богот садаи" газетаси муҳаррири Ражаббой Разақов, "Хива тонги" газетаси муҳаррири Шержон Маширипов ва бошқа журналистлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши аъзоси Раъножон Зарипова иш-

тирок этди ва сўзга чиқди. У Президентимиз томонидан Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибидида киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуни ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳалари ҳақида "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Конституциявий қонуни лойиҳалари ҳақида гапириб, ушбу қонунлар лойиҳалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий ифодаси ва барқарор тараққиётимизнинг яна бир қалфолати эканлигини таъкидлади.

Дилбар БЕКЖОНОВА.

ТАЛАБА ЁШЛАР ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

улар ҳеч кимдан кам эмас



Қарши Давлат университети бугун ўзгача қиёфада. Талабаларнинг жаҳон талаблари даражасида жиҳозланган турар-жойлари, уларнинг дам олиши, бўш вақтларини унумли ўтказиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳам кўнгилдагидек. Ҳозирда бу олий ўқув масканида 4500 дан ортиқ нафар талаба таҳсил олмақда. 500 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар уларга турли фан йўналишлари бўйича сабоқ бераётди.

Кейинги йилларда таълим масканида катта ўзгаришлар, кенг миқёсда таъмирлаш, ободончилик ишлари амалга оширилди. Натижада ўқитувчилар ва талабалар учун бир қатор қулайликлар яратилди. Қарши Давлат университети ректори, профессор Бойназар Йўлдошев билан ана шу ўзгаришлар, талабалар ҳаёти ва улар эришаётган ютуқлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Суҳбатимиз аввалида университетнинг тарихига бир назар ташласак.

— Тарихий ҳужжатларга таяниб фикр билдирсак, 1945 йилнинг 1 сентябрыда Бухоро бирлашган педагогика ва ўқитувчилар институтининг Қарши филиали ташкил этилган. Бу филиал 1949 йил 27 октябрда 2 йиллик ўқитувчилар тайёрлаш институтига айлантирилган. 1956 йилга келиб эса алоҳида илм даргоҳи мақомига эга бўлиб, Қарши давлат педагогика институти номини олган. Президентимизнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармони билан институтимизга Қарши Давлат университети деган нуфузли мақом берилди. Университет ташкил топганидан буён мамлакат халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига, бозор иқтисодиётининг турли жаҳдаларига, маънавият, маданият, халқ таълими тизимига уларнинг салмоқли ҳиссаларини қўшаётган 40 мингга яқин юқори малакали мутахассислар ҳаётга йўланма олишди. Шундан 12 мингга яқин малакали кадрлар мустақиллик йилларида тайёрланди. Физика-математика, педагогика-психология, хорижий тиллар, тарих ва ўзбек филологияси, кимё-биология, жисмоний маданият, иқтисодиёт факультети, бундан ташқари, махсус сиртки факультет, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш факультетлари, 38 та кафедралар ишлаб турибди.

— Олийгоҳда халқаро алоқалар бўлими ҳам ташкил этилган экан...

— Бу бўлим 1997 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Орадан ўтган ўн йил вақт давомида республикамиз ва хорижий давлатлардаги олийгоҳлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Буюк Британиянинг Манчестер, Эдинбург, Кембридж, Шимолий Лондон университетлари, Улуғда университет ва Билстон, Эдинбург коллежлари ҳамда Завебург (Австрия) университети, Хиндистоннинг Дехли университети, Германиянинг Техника университети билан университетимиз профессор-ўқитувчилари жамоалари ўртасида илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги олийгоҳлар, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Давлат техника университети, Низомий номидаги педагогика университети жамоаси билан ҳамкорликда ишлаймиз. Шунингдек, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Термиз Давлат университетлари, Самарқанд Давлат меъморчилик қурилиш институти, Самарқанд Давлат чет тиллари институти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика, Кибернетика илмий-тадқиқот институти билан илмий-услубий, моддий ва техникавий алоқалар йўлга қўйилган. Олийгоҳнинг Қозғоғистон, Турк-

нинг университет ва коллежларида малака ошириб қайтишган. Ўқув юртимизга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонлар билан ҳамкорлигимиз йилдан-йилга кенг қулоқ ёзмақда. Буларнинг ҳаммаси жамоамизни келажакка ишонч билан қарашга, университетимизда академик ва педагогик таълимни ривожлантириш ва такомиллаштиришда янги режалар ишлаб чиқишга даъват этади.

— Кўпчилик ёшлар пойтахтимиздаги олийгоҳларга томон ошишади ва ўша

ҳам етарлича шарт-шароит бор. Юқорида айтиб ўтганимдек, бошқа олий ўқув юртилари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилгани боис, профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорлигимиз йилдан-йилга кенг қулоқ ёзмақда. Буларнинг ҳаммаси жамоамизни келажакка ишонч билан қарашга, университетимизда академик ва педагогик таълимни ривожлантириш ва такомиллаштиришда янги режалар ишлаб чиқишга даъват этади.

— Кейинги бир йил ичида олийгоҳда юз берган ўзгаришлар, талабалар турар-жойлари, машғулот хонала-

рининг таъмирланиши, олиб борилган ободончилик ишлари ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

— 2006 йил жамоамиз учун чин маънода ўзгаришлар йили бўлди десам, муболага бўлмайди. Сабаби, бир қанча ечимини кутиб турган муаммолар ҳал этилди. Бу ўзгаришлар вилоятимизда ўтказилган катта тадбирлар — Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ҳамда Республика мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари билан уйғунлашиб кетди. Вилоят ҳокимининг махсус

қарори билан ўқув даргоҳимизда қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш-қўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Олийгоҳ ҳудудида спорт зали, сузиш ҳавзалари, енгил атлетика ўйингоҳлари қад ростлади. 876 ўринга эга 4 та талабалар ётоқхонаси капитал таъмирдан чиқарилди, замон талаблари даражасида жиҳозланди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган талабалар учун 25 минг сўмлик ижтимоий ҳимоя стипендиялари ажратилди. Бугун талабалар

ҳамда савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари бўлиши зарур. Талабаларнинг бу борадаги эҳтиёжини қондириш мақсадида олийгоҳда "Нур" китоб ва канцелярия моллари дўкони, 350 ўринли ошхона, кафе, таомланиш ва хордиқ олишга мўлжалланган "Навроз" чойхона-ошхонаси, "Саломатлик маркази", "Ғўзаллик салони", турли хил маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган "Ёшлар маркази" ҳам ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, яхши ўқийман, ўз келажакимни ўзим яратаман, деган ёшлар учун имконият етарли.

— Иқтидорли талабалар ҳар бир ўқув юртининг фахри, ғурури. Қарши Давлат университети бу борада ҳам бошқа олийгоҳлар билан беллаша олади, назаримда.

— Урни келганда айтиш керак, барча талабаларимиз билан фахрланасан арзийди. Улар орасида халқаро спорт мусобақалари ғолиблари, Президент стипендиатлари, турли хил мусобақалар ва танловлар ғолиблари жуда кўп. "Севинч" футбол жамоаси аъзоси, Осиё чемпиони Оля Аҳмедова, спортнинг миллий кураш, самбо, дзю-до турлари бўйича Осиё ва Ўзбекистон чемпиони бўлган жисмоний маданият факультети талабаси Обида Алладустовалар ҳам фахримиз. Фан олимпиадалари бўйича психология йўналишида Бехзод Саидов, география йўналишида Игитали Зухуров, касбий таълим бўйича Нурбек Каримовлар турли даражадаги дипломлар соҳиб бўлишди. Олийгоҳимизда 27 нафар спорт мусобақалари ғолиблари таҳсил олади. Соҳиба Сулаймонова "Меҳр нури" ҳамда Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган танловда иқтидорли талабалар учун ажратилган махсус стипендия ва диплом совриндори бўлди. Бу ютуқларда университетимиз профессор-ўқитувчиларининг муносиб ҳиссаси, катта хизмати бор, албатта. Ниятим — талабаларимиз бундан-да катта ютуқларга эришини! Мақсадларига эришиш йўлида биз уларга ҳамisha елкадошимиз.

Суҳбатдош: Эминжон ЙҮЛДОШЕВ, «Миллий тикланиш» мухбири.



